Намозда хушуъга эришиш учун нима қилиш керак?

14:00 / 12.12.2023 7455

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

«Батаҳқиқ, мўминлар зафар топдилар. Улар намозларида хушуъ қилувчилардир» *(Муъминун сураси, 1-2-оятлар)*

Ушбу оятдаги **«зафар топдилар»** деган жумла арабчада «афлаҳа» бўлиб келган. Афлаҳа феълининг ўзаги «фалаҳ» сўзидир. Бунинг маъноси зафар топиш, муваффақиятга эришиш, ютуқни қўлга киритишдир. Ҳар биримизнинг мақсадимиз жаннатга киришдир. Оятда намозларида хушуъ қилувчилар зафар топишлари айтиляпти. Хушуъ қалбда қўрқув бўлиб, унинг сабабидан тана аъзоларда сокинликнинг юзага келишидир. Хушуъли намозхон намозда турганда оила, бозор, тирикчилик, пул, молу дунё, одамлар каби намоздан ташқаридаги нарсалар уни чалғитмайди. Хўш, намозда хушуъли бўлиш учун нима қилиш керак?

Бунинг сабаблари бор. Ана шу сабабларнинг энг каттаси намоздан ташқарида ҳам хушуъли тарзда, яъни Аллоҳ таолодан қўрқиб яшашдир. Кимки масжидга келишдан олдин Аллоҳ таолонинг чегараларида турса, яъни чегарадан ошиб ўтмаса, У Зот буюрганидек яшаса, У Зот билан алоқани мустаҳкамлаб олган бўлса, Аллоҳ таоло шундай бандага хушуъ

ато этади.

Подшоҳлар, султонлар олдига кирадиган одамни ўша подшоҳлар фақат олдиларига киргандагина кўрадилар. Либосингизга, ташқи кўринишингизга қараб муомала қиладилар. Бундан олдин нималар қилганингизни улар билмайдилар.

Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузурида туришга келсак, У Зот сизнинг масжидга киришдан олдин нималар қилиб юрганингизни сиздан кўра яхши билади. У Зотга ҳеч нарса махфий эмас. Инсон ҳаётда Аллоҳ буюрганини қилиб, қайтарганидан тийилиб, одамларга яхшилик қилиб, эҳсон-садақа улашиб, У Зот белгилаган чегарадан ошиб ўтмай, ҳаддини билиб яшаса, юриш-туришларида, барча ҳолатларда Аллоҳ таоло уни кўриб турганини ҳис қилса, масжидга кириб, Аллоҳ таолонинг ҳузурида турганда У Зот унга Ўз раҳматидан хушуъни ато этади. Баъзан ўша хушуъли банданинг ёнида хушуъдан озгина ҳам ризқланмаган киши намоз ўқиётган бўлади. Имом Қуръони Каримни қироат қиляпти. Кўпчилик учун ўша тиловат ҳар куни эшитиладиган, одатланилган тиловат бўлса-да, аммо хушуъли банданинг йиғлаётганини, синиқлик ҳолида турганини ёнидаги кўриб, «Субҳаналлоҳ, бу кишининг кўзлари нима учун ёш тўкяпти, қайси оятларни тинглаб йиғлаб, қалби титраяпти экан» деб ўйлайди. Аммо ўша банданинг хушуъли, хокисорлик ҳолати фақат ўша лаҳзанинг ўзига тегишли бўлмай, у банда доим Аллоҳ таоло билан алоқасини мустаҳкамлаб юрган бўлади.

Аллоҳнинг Байтига келадиган одам қалбида синиқлик, хокисорлик ҳолатида келишга уриниши лозим. Сиз ҳар гал Унинг Байтига келаётганингизда синиқлик, камтарлик, тавозуъли бўлсангиз, Аллоҳ таоло Ўз раҳмати билан сизга хушуъни эҳсон қилади. Бордию масжидга келаётганда қалбингизда кибр бўлса, Аллоҳ таоло сизга хушуъни ато қилишини умид қилмай қўяверинг. Чунки халқларнинг барчаси Аллоҳ яратган халқлардир. Мулкларнинг ҳаммаси ҳам Аллоҳнинг мулкидир. Қолаверса, намозда хушуънинг мукофоти зафар топиш экан, бундай улуғ мукофотга тавозуъ, камтарлик, қуллик билан эришилади. Ота-онасига оқ бўлганлар, аёлини урганлар, фақиру сўровчиларни жеркиб берганлар намозларида хушуъли бўлолмайдилар. Масжидга келишдан, намозга киришишдан олдин одамларни алдаб, савдода ёлғон гапирганлар, мўминларнинг обрўсини туширишга уринганлар ва ҳоказо гуноҳларни содир этганларнинг кўпчилиги намозда хушуъли бўлолмайдилар. Валлоҳу аълам.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Ўзи танлаб олган пайғамбарларини мақтаб шундай деган:

«Ана ўшалар – Аллоҳ неъматлантирган зотлар набийлардан, Одам зурриётидан, Нуҳ билан бирга (кемада) кўтарганларимиздан, Иброҳим ва Исроилнинг зурриётидан, ўзимиз ҳидоят қилган ва танлаб олганлардандир. Уларга Роҳманнинг ояти тиловат қилинса, йиғлаб, саждага йиқилар эдилар» *(Марям сураси, 58-оят)*

Шунингдек, намозда хушуъга эришиш учун намозда ўқилаётган оятлар, такбирлар, тасбеҳлар, ҳамдларнинг маъносини билиб, қалбидан ўтказиб турса, ўзи эса Аллоҳ азза ва жалланинг ҳузурида турганини, У Зот унинг намозини кўриб турганини, сажда қилганида Унга энг яқин ҳолатда бўлишини ҳис этса, Аллоҳ таолонинг фазлу раҳмати билан ана шунда хушуъ билан намоз ўқишга эришади.

Аллоҳ таоло барчамизни намозда ҳам, намоздан ташқарида ҳам хушуъли бандаларидан бўлишимизни насиб этсин!

Солиҳ Мағомисий суҳбатлари асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади